

**УЛУФ ДОНИШМАНДЛАР МАЊНАВИЯТ ВА ИЛМ-МАЊРИФАТ
ХУСУСИНДА**

Сатторова Маликахон Абдугаффор кизи

Қарши халкаро университети “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларни чуқур билим, юксак мањнавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш мақсадида юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном берилди. Президентимиз шундай таъкидлайди: “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиасини ошириш учун аввало илм-мањрифат, юксак мањнавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақлзakovat ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”. Шу сабабли “хаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам мањрифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.”⁶

Илм-мањрифат, мањнавиятнинг инсоният ҳаётидаги ўрни ҳақида биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак мањнавият – енгилмас куч”, “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз” каби яна кўплаб асарларида таъкидлаб ўтилган. Масалан И. Каримовнинг қуйидаги сўзлари эътиборга лойикдир: “Мањнавият, мањрифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир”.⁷ “Илму-мањрифат эъзозланган мамлакатда ҳеч ким уруш ҳақида бош қотирмайди. Чунки илму-мањрифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму мањрифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади.”⁸ “Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – мањрифатдир.”⁹ “Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз- барака келтирадиган буюк мўъжизадир.”¹⁰

“Мањнавият “мањни”, “мањно” сўзларининг кўплик шакли бўлиб, инсоннинг мањноли ҳаёти ва фаолиятини билдиради. Инсон ўйлаб, фикрлаб, хис этиб амалга оширадиган ишларнинг барчаси мањнавиятдир”¹¹. Мањнавият одамнинг инсонийлигини намоён этадиган хусусиятлар – унинг ахлоқи, ҳар бир ишни онгли равишда ўйлаб, фикрлаб қилиши, билишга яратишга интилиши, ёмондан яхшини, жаҳолатдан мањрифатни фарқлай олиши, англаб хулоса чиқара олиши каби ҳолатларда яққол кўзга ташланади. Инсонни юксак мањнавиятга олиб борадиган йўл,

⁶ Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 25.01.2020

⁷ И.Каримов. Нутқлар,мақолалар,суҳбатлар. 15 жилдлик.1996-2007. Тошкент,”Ўзбекистон” нашриёти.

⁸ И.Каримов. Нутқлар,мақолалар,суҳбатлар. 15 жилдлик.1996-2007. Тошкент,”Ўзбекистон” нашриёти.

⁹ И.Каримов. Нутқлар,мақолалар,суҳбатлар. 15 жилдлик.1996-2007. Тошкент,”Ўзбекистон” нашриёти.

¹⁰ И.Каримов. Нутқлар,мақолалар,суҳбатлар. 15 жилдлик.1996-2007. Тошкент,”Ўзбекистон” нашриёти.

¹¹ “Ватан туйғуси” 6-синф ўқув қўлланма Х.Султонов,М.Қаршибоев Тошкент “Мањнавият”2007 28-бет

албатта, илм-маърифат йўлидир. Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади. Киши қалбининг нури илм ва маърифат билан бақувват бўлади. Инсониятнинг қадри илм билан ҳосил бўлади. Қадим-қадимдан бери инсонлар илм олишга, юксак маърифат соҳиби бўлишга интилиб келадилар. Халқ орасида ҳам қадим замонлардан бери илмли кишилар улуғланиб келинган ва юксак билим ва маърифат соҳибларининг илмга даъват этувчи, маърифат ва маънавиятнинг инсон камолоти йўлидаги ўрни талқин этилган қўплаб ҳадис, ҳикмат, фикр ва мулоҳазалар, бир сўз билан айтганда “дурдона” лар мавжуд.

Буюк олим ва ҳадисшунос Ал-Бухорий ўз ҳадисларида маънавий поклик, ахлоқий камоллик ҳакида баён қиласди. Ал-Бухорий ҳар бир одамни илмларни эгаллашга чорлаб, шундай дейди: “Расулуллоҳ айтганлар: Тушимда менга бир идишда сут келтиришди, қонгунимча ичдим, ҳатто тирноқларимдан сут чиққанини қўрдим”.

Саҳобалар сўрадилар: ”Ё Расулуллоҳ, сутни нимага йўйдингиз”, “Илмга”¹², - дедилар Расулуллоҳ.

Шарқ халқлари орасида Арастудан кейин “Иккинчи муаллим” номи билан машхур олим Фаробий ўзининг “Бахт-саодатга эришув ҳакида”, “Фозил одамлар шаҳри”, “Ақл маънолари ҳакида” номли асарларида инсонга таълим ва тарбия бериш зарурияти ва бунинг учун нимага асосланиш лозимлиги, таълим-тарбия усуллари, ундан кутилган мақсад масалалари асосий ўринни эгаллайди. Фаробий билимдон, маърифатли, етук одамни тасвирлар экан, бундай дейди: “Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни хурмат қилсин”.¹³

Қомусий олим Ибн Синонинг фикрича, илм-фанга интилиш инсоннинг энг олий маънавий ҳаракатлариданdir. Чунки илм одамни маънавий юксакликка кўтаради, жамият равнақининг асосий омили бўлиб хизмат қиласди. Ибн Сино шундай дейди:

“Тарқ қил бор нарсани, жон барчадан аълодурур,

Жон камоли илмдандир, илмдандир сўлу соғ.

Жон агар бир шиша бўлса, илм шам чироғ,

Ҳикмати инсонни билгил ул чироқда мисли ёғ,

Ул агар сўнса, сенинг ҳам ўлганингмас-му шу чоғ”.¹⁴

Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий доимо халқни илм олишга, маърифатли бўлишга чақиради. Навоийнинг:

“Билмаганни сўраб ўрганган олим,

Орланиб сўрамаган ўзига золим.”

“Оз-оз ўрганиб доно бўлур,

¹² Абу абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Ҳадис. Ал-жомиъас-саҳих. Т. Қомуслар. 1997. 25-боб, 20-бет

¹³ Ал-Фараби. Социально-этические трактаты. Алма-Ата. 199-бет

¹⁴ Аскар Зуннунов “Педагогика назарияси” Тошкент “Алоқачи” 2006.38-бет

Қатра-қатра йигилиб дарё бўлур”¹⁵ каби ҳикматли сўзлари халқ орасида кенг тарқалган. Бундан ташқари Навоий илм ўргатувчи устозларни ҳам қадрлаб, юксакларга кўтаради:

“Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила,

Айламак осон эмас онинг ҳақин юз ганж ила.”¹⁶

Буюк форс-тожик шоири Рудакий ҳам илм толибларига илм ўргатишни баҳт билан қиёслайди: ”Бошқалардан ўрганганд, лекин бошқаларни ўргатмаган одам баҳтсиздир. Мен бошқалардан ўрганиб, бошқаларга ўргатганлигим учун ҳам баҳтлиман”.¹⁷ Рудакий шундай насиҳат қилади: “Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,

Кўлингдан келганча тера олсанг бас!”¹⁸

Машҳур ўзбек олими Абу Райхон Беруний ҳам билимли кишиларнинг ўз илмини бошқаларга улашиши, улар учун энг юксак баҳт деб ҳисоблади: ”Менинг ниятим билимни тарқатишга қаратилган. Буни мен баҳт деб биламан.”¹⁹

Билим шунчалик чексиз-ки унинг охирига етиб бўлмайди. Бу ҳақида олим ва шоир, форс-тожик адабиётининг буюк намоёндаси Умар Ҳайём шундай дейди:

“Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,

Бир сир қолмадики мағҳум бўлмабди.

Туну кун ўйладим етмиш икки йил:

Англадим – ҳеч нарса маълум бўлмабди.”²⁰

Шоир ва олим Абул Фарож билимни ёмғирга қиёслайди: ”Доноликдан маҳрум кўнгил мурдадир. Аммо агар у билим билан бойитилса, бамисоли қақроқ ерга ёмғир ёққанидек, жонланади.”²¹

Таникли ўзбек шоири, тарихчи, давлат арбоби Огаҳий илм-маърифат таърифини ўзининг қуидаги мисраларида келтириб ўтган:

“Илм андоқ ганжи ноғиъдур бани одамғаким,

Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анга.”²²

Огаҳий яна бир тўртлигида илм ўрганиш учун донишмандларнинг оёқлари остига таъзим қилишга тайёр эканлиги ҳақида шундай ёзади:

“Эй келди фунуну илм таслим санга,

Қилмоқ манго лозим ўлди таъзим санга,

Гарчи йўқ эди қувват аёқимда, вале

Келдим бош ила олғоли таълим санга.”²³

Илм-маърифатли бўлиш бу бир машаққат, охири кўринмайдиган узун йўл. Инсон ўзи кўзлаган илм эгаси бўлганидан сўнг уни тўғри йўлда қўллай олиши ва

¹⁵ Қ.Аллаев “Дурданалар” Фан ва технология нашриёти, 2008. 128-бет

¹⁶ Қ.Аллаев “Дурданалар” Фан ва технология нашриёти, 2008. 191-бет

¹⁷ Қ.Аллаев “Дурданалар” Фан ва технология нашриёти 2008.115-бет

¹⁸ Қ. Аллаев “Дурданалар” Фан ва технология нашриёти 2008 232-бет

¹⁹ Қ. Аллаев “Дурданалар” Фан ва технология нашриёти 2008 229-бет

²⁰ Қ.Аллаев “Дурданалар” Фан ва технология нашриёти 2008. 116-бет

²¹ Қ.Аллаев “Дурданалар” Фан ва технология нашриёти 2008. 118-бет

²² Қ. Аллаев “Дурданалар” Фан ва технология нашриёти 2008. 238-бет

²³ Қ. Аллаев “Дурданалар” Фан ва технология нашриёти 2008. 123-бет

илмга амал қилиши лозим. Буюк шарқ шоири Саъдий бу борада шундай дейди: “Икки киши бесамар иш қилган ва бенаф ташвиш чеккан: уларнинг бири бойлик тўплаб, фойдалана билмаган ва ановиси эса илм ўрганиб, унга амал қилмаган.”²⁴

Шоир Ҳусрав Дехлавий илмли инсон ҳақида бундай дейди:

“Одамнинг шарафи илмин қўплиги,
Кимки донодир, мен шунинг қули.
Ким мансаб қидирди, илми бўлмади,
Бадрабхона ундай мансабнинг йўли.”²⁵

Буюк ўзбек саркардаси Амир Темур марказлашган мустақил, қудратли давлат барпо этди ва бу давлатда илм фанга алоҳида эътибор қаратади. Амир Темур замонида қўпладб фанларда, айниқса, тарих илми, тарихшунослик соҳасида муҳим ишлар қилинди: Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ас-саъдайн ва мажмаъ ал-бахрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши”), Ҳофизи Абрўнинг “Зубдат ат-таворих” (“Тарихлар сараси”), Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарлари юзага келди.²⁶

Амир Темур ҳукмронлиги даврида Туркистон замини йирик илм-фан ва маданият ўчоғига айланди. Соҳибқирон шундай таъкидлайди: “Авлодлар хотирасида қилинган ишлардан кўра яратилган илм хазинаси абадий сақланиб қолади.”²⁷

Ўзбек шоири ва публицист Фурқат таълим ва тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрни, ижтимоий аҳамияти юксаклигини, давлат сиёсати даражасида муҳимлигини чукур ҳис қилган ҳолда ақлий тарбияга алоҳида эътибор беради. У дейди:

“Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Нодур дилни муроди илм бирла.
Кўнгулларни сурури илмдантур.
Кўярар кўзларни нури илмдантур.
Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,
Булар ҳар қайси ўз вақтида даркор.”²⁸

Таниқли педагог ва маърифатпарвар Абдулла Авлоний “Биринчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони” каби асарларида илм-фanni, мактаб ва маорифни улуғлаб, халқни илм ва маърифатли, маданиятли бўлишга чақиради. Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидур” деб уқтиради, Авлоний. “Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари нажотидур. Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий, муқаддас бир фазилатдур. Илмсиз инсон мевасиз дараҳт кабидур. Авлоний илмнинг инсон учун фойдасини айтиб, “Бизларни жаҳолат, қоронгуликдан кутқарур... Алҳосил бутун ҳаётимиз, саломатимиз,

²⁴ Қ. Аллаев “Дурдоналар” Фан ва технология нашриёти 2008 241-бет

²⁵ Қ. Аллаев “Дурдоналар” Фан ва технология нашриёти 2008 200-бет

²⁶ Аскар Зуннунов “Педагогика назарияси” Тошкент “Алоқачи” 2006. 41-бет

²⁷ Қ. Аллаев “Дурдоналар” Фан ва технология нашриёти 2008 229-бет

²⁸ Фурқат. Икки томлик танланган асарлар. 2-том 1960 Ўзбекистон давлат бадиёт нашриёти 10-бет

саодатимиз, сарватимиз, мишиштимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур”,²⁹ - дейди.

Бугунги кунда маънавиятли, маданиятли, илм ва маърифатли бўлиш давр талаби. Биз ёшлар илм-фан, маърифат, маданият тараққий топган шундай замонда яшяяпмиз. Давлатларнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ҳам айнан шу илм-маърифат, маданият қанчалик даражада тараққий топганлиги билан ўлчанаётган бир даврда бизнинг юртимизда ҳам таълим ва фан соҳаларига юксак эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз ўзбек ёшларининг ҳар соҳада йетакчи бўлишлари учун ташабbusлар билан чиқмоқдалар. Мозийга назар соладиган бўлсак, хавас қиласидиган, ўрнак оладиган ота-боболаримиз ва уларнинг бой мероси биз ёшлар учун тўғри йўл кўрсатадиган бир маёқ мисолидир. Юқорида келтирилган илм ва маърифат, маънавият ҳақидаги фикрлар денгиздан бир томчи холос. Шундай буюк бир меросга ворис бўлиб, юртимизда бугунги кунда ёшларга берилаётган имкониятлардан имкон қадар фойдаланиб, буюк тарихга муносиб, буюк келажак яратмоғимиз лозим. Имом ал Бухорий айтганидек: “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”.³⁰ Шундай экан илм олиш, юксак маърифат ва маънавият эгаси бўлиш энг олий мақсадимиз бўлсин.

²⁹ Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” 17-бет

³⁰ Қ. Аллаев “Дурдоналар” Фан ва технология нашриёти 2008 180-бет